Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш — бурчимиз!

VAZIYAT

e-mail: tahririyat@fw.uz

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

2018 йил 03 май № 18 (650)

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар цилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 29 апрель — 1 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг учинчи куни олий мартабали меҳмон Бухоро вилоятига келди.

Бухоро халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бухоро вилоятида ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг паннoларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган.

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустаҳкам илдизлар билан боғланганки, уларни бир-биридан айро тасаввур қилиш мушкул. Турк халқи Ўзбекистон заминини муқаддас деб билади ва уни “ота юрт”, деб эъзозлайди. Қардош турк халқининг диёримиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳри ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Ўзбекистон заминида туғилиб ўсган, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни Туркияда яхши билишади ва қадрлашади. Бутун мусулмон оламида машҳур аллома, нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан биридир.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Улуғ аллома руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Олий мартабали меҳмонга тариқат асосчисининг ҳаёти, ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси, мустақиллик йилларида мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

Ўтган йили мажмуа ҳудудида Президент ташаббуси билан Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлади. Туркия Президентига Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли ушбу мадраса тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этиш, илм-фан ва динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар меросини чуқур ўрганиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон буюк алломаларга бешик бўлган муқаддас замин экани, халқимиз тарихи, бой маънавий меросига ғоят ҳурмат билан қарашини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухоро шаҳридаги Арк қўрғонини томоша қилди.

Азалдан Ғарб билан Шарқни боғлаган Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро бой ва шонли тарихга эга. Ушбу тарих халқимизнинг ўтмишдаги турмуш тарзи, бунёдкорлиги, хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларидан гувоҳлик беради. Арк қўрғонида жойлашган вилоят ўлкашунослик музейида намойиш этилаётган минглаб экспонатлар, археологик буюмлар ҳам шу ҳақда ҳикоя қилади.

Икки давлат раҳбарлари мазкур музей фаолияти билан танишди, бу ердаги ноёб осори-атиқаларни кўздан кечирди, музей қўриқхона ҳудудидаги жомеъ масжидида бўлди.

Кўрғон марказида сақланиб қолган қабулхона — маросимхонада вилоят санъаткорлари томонидан халқлар дўстлигини тараннум этувчи миллий куй-қўшиқлар янгради.

Президентлар Арк кўрғони яқинидаги Пойи Калон мажмуасида ҳам бўлдилар.

Бухоро заминининг ҳар қаричи тарих. Кадимий обидалар аждодларимизнинг буюк яратувчилик даҳоси ва маънавий қудратидан сўзлайди. XII ва XVI асрлар оралиғида бунёд этилган Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ўзининг бетакрор меъморий ечими, маҳобати ва жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

Минораи Калон архитектуравий ечими бўйича дунёдаги кам сонли тарихий обидалардан биридир. У қарийб 900 йил давомида не-не талотўпларга гувоҳ бўлган. Халқимиз қудратининг ўлмас рамзи сифатида бугун ҳам барчани ҳайратга солаётир.

Мир Араб мадрасасида ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасасида фаолият юритаётган ўрта махсус ислом билим юрти ўз вақтида собиқ шўро давлати ҳудудидаги ягона ислом таълим муассасаси бўлган. Ҳозирги пайтда бу ерда ёшларимиз диний ва дунёвий билимларни, хорижий тилларни пухта ўзлаштирмоқда.

Олий мартабали меҳмон Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида зардўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Бухоронинг тарихий ва меъморий обидалари, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунига етди.

Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Матназар ЭЁМУРОАОВ, Эркин ЁАГОРОВ, ЎзА махсус мухбирдари

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



ХОТИРА МАЙДОНИДА

Хотира майдонида маъюс кездим бир лах,за,
Хаёллар гирдобида қалбимга тушиб ларза,
Бунда ғамгин бош эгиб турар хар гиёх, майса...
Кезар ботирлар рухи тинчлик учун цилган жанг,
Ўтганларни хотирлаб, тирикларни цадрланг!

Тоғлар ортидан °уёш кўтаргайдир аста бош,
Гул-чечаклар юзида ялтирайди сим-сим ёш,
Зиёратга оши°ар бугун барча, кекса-ёш,
Сиз хам °алб эшикларин Эзгуликка очиб ланг,
Ўтганларни хотирлаб, тирикларни цадрланг!

Уруш хртнашчилари кезар бунда тонгдаёқ,
Кўпларин хўлтигида қалтирар °ўлти°таё°,
Оҳ, мардлар матонати - мангу сўнмас бир маё°,
Сиз уларни гул билан, мехр билан тахдирланг,
Ўтганларни хотирлаб, тирикларни цадрланг!

Бунда харир рўмоли айланиб на° яловга,
Мотамсаро бир она бо°ар мангу оловга,
Огох бўлинг, Ватанни бериб хўйманг, деб ёвга,
Майдон узра таралгай унсиз сас, унсиз жаранг:
Ўтганларни хотирлаб, тирикларни цадрланг!

Бу майдон ичра кезар оналар ғам-андухи,
Ватан дея жон берган аскарларнинг пок рухи,
Кезар ўтмиш ёди-ю келажакнинг шукухи,
О, Она Ер, битсин деб, дилда жарохат-яранг,
Ўтганларни хотирлаб, тирикларни цадрланг!

Зикридда НЕЪМАТ

О назначении Муминова А.А. на должность заместителя министра

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2018 года заместителем министра по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан назначен Муминов Абдурахим Абдурасулович.

Пресс-служба МЧС

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйрушга биноан қуйидаги ҳарбий хизматчилар лавозимларга тайинландилар:

Подполковник Қудратов Соҳиб Убайдуллаевич *— Жиззах вилояти ФВБ бошлиги лавозимига;*

Подполковник Джамалов Аброр Бахтиярович *— ФВВ Кутқарув кучлари бошқармаси Авария-қутқарув техникаси ва воситалари билан таъминлаш ҳамда фойдаланишни назорат қилиш бўлими бошлиги лавозимига.*

ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ШАЙ

ФВВ Марказий базасида "Вазирлик автомобиль ва махсус техникаларини баҳорги-ёзги мавсумда ишлашга ўтказиш ишларини ташкил этиш" мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Унда вазирлик Моддий техник таъминоти бошқармаси раҳбар ходимлари ҳамда ҳудудий ва таркибий тузилмалар Моддий техник бўлими бошлицлари ва етакчи мутахассислари иштирок этишди.

Тадбирни вазирлик Моддий техник таъминоти бошқармаси бошлиғи подполковник Р.Собиров кириш сўзи билан очиб, ўтказилаётган тадбирнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини, ҳудудий ва таркибий тузилмаларда автомобиль ва махсус техникалари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олишда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида айтиб ўтди.

Шундан сўнг вазирлик Моддий техник таъминоти бошқармаси бошлиғи ўринбосари подполковник В.Седиковнинг ўтган 2017 йил учун "Автомобиль ва махсус техникалардан ҳамда ЁММдан фойдаланиш", "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2018 йил 20 апрелдаги "Вазирлик автомобиль ва махсус техникаларини баҳорги-ёзги мавсумда ишлашга ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи талаблари, "Аккумулятор батареяларига хизмат кўрсатиш", "ЁММ билан таъминлаш тартиби", "ЁММдан фойдаланиш ва автомобиль ҳамда махсус техникаларни мавсумда ишлашга ўтказишда техника хавфсизлиги қоидалари" ва "Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Сержант В.ҲАМРАҚУАОВ,
Андижон вилояти ФВБ холими

* * *

ФМ ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА

Андижон вилояти ФВБ Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида вилоят, шаҳар ва туманлари Ички ишлар бўлимларининг 65 нафар профилактика инспекторлари билан фуқаро муҳофазасининг 36 соатли дастури асосида ўқув машғулотлари олиб борилди.

Аҳоли ва ҳудудларни юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилган ушбу ўқув машғулотлари давомида профилактика инспекторларига фуқаро муҳофазасига оид қонун ҳужжатлари таништирилиб, келгусидаги хизмат фаолиятида асосий эътиборга қаратиладиган масалалар тушунтирилди.

Бундан ташқари "Фуқаро муҳофазаси ойлиги" доирасида Андижон шаҳар 8-сонли умумтаълим мактабида 63 нафар, 19-сонли умумтаълим мактабида 58 нафар, Андижон тумани 2-сонли умутаълим мактабида 47 нафар, 10-сонли умумтаълим мактабида 66 нафар, 1-сонли умумтаълим мактабида 72 нафар, 39-сонли умумтаълим мактабида 53 нафар ҳамда Асака тумани Асака Автомобилсозлик касб-ҳунар коллежида 60 нафар ўқитувчи ва ўқувчилар билан "Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш", "Озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишнинг олдини олиш", "Зилзила ва унинг оқибатлари, зилзила пайтида ҳаракат қилиш қоидалари" ва "Ҳайвонлардан жароҳатланишларнинг олдини олиттт" мавзуларида суҳбат ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ушбу тадбирларда жами 419 нафар ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

З.МАМАААЁИЕВ,
М.ХОАЖАҚУАОВ,
Андижон вилояти ФВБ ходимлари

* * *

"Фуқаро муҳофазаси ойлиги" давомида апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида Қўрғонтепа, Булоқбоши ва Улуғнор туманидаги таълим муассасалари ўқувчи ёшлари билан суҳбатлар ўтказилди.

Суҳбат ва учрашувлар давомида "Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари, ёнғинни ўчириш қоидалари", "Зилзила ва унинг оқибатлари, зилзила пайтида ҳаракат қилиш қоидалари", "Чўмилиш хавфсизлиги қоидалари" ҳамда таълим муассасаларида "Ёш қутқарувчи" кўнгиллилар клубларини ташкил этиш ва уларнинг давомийлигини таъминлаш юзасидан кенг кўламда тушунчалар берилди.

"Фуқаро муҳофазаси" ойлиги эълон қилинган кундан бошлаб, вилоятимизнинг ҳар бир мактаб, коллеж, маҳалла гузарларида, ташкилот ва корхоналарда "Фуқаро муҳофазаси — умумхалқ иши", "Фуқаро муҳофазаси ойлигида фаол иштирок этайлик" каби чорлов шиорларига кўзингиз тушиши мумкин.

Бу эса аҳоли ўртасида фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ишларнинг фаол олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Н.АААБАЕВА,
Андижон вилояти ФВБ холими

ДАВРА СУҲБАТИ

Навоий вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида "Меҳнат муҳофазаси: Ёш ходимларни қўллаб-қувватлаймиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Касаба уюшмаси фаоллари, вилоят бандлик Бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бўлими, "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси, вилоятдаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг Касаба уюшмаси фаоллари ва меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислари, ФВБ, Ёнғин хавфсизлиги, газ хизмати ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбир меҳнат муҳофазасига оид кўргазмалар намойиши билан бошланди.

Кун тартибига асосан тадбирда вилоят бандлик Бош бошқармаси масъул ходимининг Ўзбекистон Республикаси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) амалда татбиқ этилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассисининг "Меҳнат шароитлари — унинг умумий касб касалликлари, меҳнат жароҳатлари келиб чиқишидаги аҳамияти ва нохуш ҳолатлари", "Саноатгеоконтехназорат" ДИдан "Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида ишларни бехатар олиб бориш усуллари", "Навоийазот" АЖдан "Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, жароҳатланишлар, касб касалликларининг таҳлили" мавзуларида мутахассислар томонидан маърузалар қилинди.

Тадбир Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Ҳулкар ҲАМРОЕВА, Навоий вилояти ФВБ холими

ҲУҚУҚИИ ТАРҒИБОТ

Сурхондарё вилояти Ангор тумани истироҳат боғида вилоятнинг 40 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасалари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари иштирокида "Фуқаролар давлат органларига эмас, давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши керак!" шиори остида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат тадбири ўтказилди.

Унда вилоят ФВБ бошлиғининг биринчи ўринбосари — Штаб бошлиғи, Ангор тумани ФВ бўлими бошлиғи, Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ўқитувчилари, бош ҳуқуқшунос-маслаҳатчи ҳамда бошқарма Кутқарув отряди қутқарувчиларидан жами 11 нафар ходим иштирок этди.

Тадбир давомида фуқароларга ФВВ тизимига оид қабул қилинган қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида батафсил тушунчалар берилиб, кўргазмали амалий-ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди, шунингдек, бошқарма Кутқарув отряди қутқарувчилари томонидан асбоб-анжомлар кўргазмаси ташкил этилди.

Сайёр қабул давомида вилоят ФВБ ходимлари томонидан фуқароларнинг таклиф ва муаммолари ўрганилиб, 2 нафар фуқаронинг мурожаатлари жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди.

А.АААШЕВ, Сурхонларё вилояти ФВБ холими;
Ш.САЛМАНОВ,
бош ҳуқуқшунос-маслаҳатчи

О 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ЭЪЗОЗ, ЭЪТИБОР, ЭҲТИРОМ

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 16 апрель куни “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 5.000.000 (беш миллион) сўм миқдорида бир йўла пул мукофотлари берилиши белгиланган.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам кдбул қилинди. Ушбу кдрор талабларини бажариш мақсадида, Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, марддик ва жасоратининг аҳамиятини кенг аҳоли тоифалари, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ўтказилишига алоҳида эътибор кдратилган.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг истаклари асосида улар ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафарларни ташкил этиш, уруш фахрийларининг Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги “Ўзбекистон” ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборилиши, уларни зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминланиши қарорда кўрсатиб ўтилган. Дарҳақиқат, бизнинг юртимизда инсон азиз, хотираси муқаддас. Айниқса, бугунги дориломон кунлар учун жон фидо этган аждодларимиз ёди ҳамиша эъзоз ва эҳтиромга лойиқ.

Чиндан ҳам, бугунгидек дориломон кунларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етиш учун эса, тарихни, ўтмишимизни чуқур билиш, айниқса, ёш авлод онгида тарихий хотирага нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўз жонини қурбон қилиб, Ватанни, демак, бизнинг озодлигимизни ҳимоя қилганлар олдида ҳамиша қарздормиз.

Рмхсмвой СОБИРОВ, ФМИ катта ўқитувчиси

* * *

Азалдан нуроний отахону, онахонларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизга хос эзгу қадриятдир. Ушбу боқий анъана янада сайқал топиб бормоқда.

Бугунги кунгача Самарқанд вилояти божхона бошқармасида хизмат бурчини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда 5 нафар божхона ходимлари ҳалок бўлишган. Булар собиқ божхона хизмати подполковниги марҳум Джалолов Улуғбек Саъдуллаевич, божхона хизмати капитани Асроров Аҳлиддин Акбарович, божхона хизмати капитани Алишов Узоқбой Ибодуллаевич, божхона хизмати старшинаси Юлдашев Шароф Валиевич, божхона хизмати катта лейтенанта Жураев Улфат Мамарасуловичлардир. Марҳум ҳамкасбларимизнинг оила аъзоларидан хабар олиш, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш вилоят божхоначиларининг доимий диққат марказидадир.

Самимий суҳбат давомида 8 фарзанднинг отаси, 82 набиранинг бобоси Парда ота Иккинчи жаҳон уруши келтирган даҳшатли оқибатлар, умуман уруш фожиаси ҳақидаги уруш даврлардаги кечинмаларини айтиб берди. Бу ҳол ёшларни юртпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларининг энг яхши анъаналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга.

Турмуш ўртоғи Қўчқоров Усмон урушда вафот этган, 5 нафар фарзандни боқиб катта қилган, 77 ёшни қарши олган тумандаги “Туркман” маҳалласида яшовчи Қўчқорова Ҳикмат момонинг ҳолидан хабар олиш ҳам четда қолмади.

— Мустақиллигимизга кўз тегмасин,-дейди Ҳикмат момо. — Биз урушдан кейинги қийинчиликни, очликни ҳам кўрдик. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, яратилаётган имкониятлар, эришилаётган ютуқларнинг барчаси шунга муносиб бўлиб яшаш кераклигини англатади. Бугун мени йўқлаб келганингиздан бошим осмонга етди. Жуда хурсандман. Бунинг учун барчангизга катта раҳмат.

Ўша куни ташкилотчилар кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Жума шаҳри “Пўлатчи” маҳалласи, “Янгиобод” кўчаси 8-уйда яшовчи I гуруҳ ногиронлари Садинова Жамила ва Садинов Нажмиддинларнинг хонадонида ҳам бўлишди.

Самарканд вилояти Божхона бош°армаси
Ахборот хизмати

* * *

“Хотира ва қадрлаш” куни тадбирини ўтказиш давомида ёшлар, аждодларимиз тарихи, матонати, босиб ўтган мардонавор йўллари, қаҳрамонликлари ҳақида билишлари лозим. Шу азиз диёр улардан бизга мерос эканлиги, ворис сифатида уларнинг савоб ишларини давом эттиришдек юксак масъулият ёшларнинг зиммасида эканлигига эътибор қаратишнинг аҳамияти катта.

Иккинчи жаҳон урушида миллионлаб инсонлар умрига завол бўлган, юзлаб шаҳару қишлоқларга вайронагарчилик, офат келтирган фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Урушдан олдин мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиондан кўпроғи жангларда қатнашган. Ёки ўша пайтдаги ҳалқимизнинг тахминан учдан бир қисми қўлига қурол олиб, жангу жадалларда иштирок этган.

Бу ҳақда гапирганда, уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, ўз юртидан олисларда кечган беаёв жангларда жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг жасорати ва матонати, фронт ортида тунларни тонгларга улаб меҳнат қилган, уруш туфайли Ўзбекистонга кўчирилган 1000000 нафардан ортиқ қариялар ва ногирон одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охирги нонини ҳам улар билан баҳам кўрган ҳалқимизнинг фидойилиги, бағрикенглиги қалбларда мангу яшайди.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий кддриятга айланди.

З.МАМАДАЛИЕВ,
Андижон вилояти ФВБ ходими

ҚИЗҒИН УЧРАШУВ

ФВВ ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказида вазирлик тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан 2018 йил учун чора тадбирлар дастурида белгиланган бандлар ижроси бўйича бир қанча тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Мазкур тадбирлар доирасида “Раҳбар ва ёшлар” учрашувини ҳам ҳар ойда бир маротаба ташкиллаштириш йўлга қўйилган. Марказ Бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нишоновнинг Хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни мониторинглаш бўлими ёшлари билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам ана шундай тадбирлардан биридир. Суҳбат давомида Б.Нишонов ҳар бир ёш ходим билан бевосита танишиб, уларнинг қизиқишлари, интилишлари, бўлимда амалга ошираётган ишлар, шу билан бирга камчилик ва муаммолар билан қизиқди.

У раҳбар илм олиш, тил ўрганишдан тўхтаб қолмаслиги, ҳар бир инсон учун қанчалик аҳамиятли эканлиги ҳақида гапирар экан, ўз ҳаётий тажрибаларидан мисоллар келтириб ўтди.

Дарҳақиқат, ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир. Зеро, у ҳеч қачон ўчмайди, унут бўлмайди.

Учрашувда Ёшлар иттифоқи фаолияти хусусида ҳам сўз бориб, бугунги кунда ёшларга яратилаётган имкониятлар, улардан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақида ҳам айтиб ўтилди. Ҳар бир ёш ўзига Ёшлар иттифоқи менга нима бера олади эмас, мен Ёшлар иттифоқи учун, Ўзбекистон учун нима ишга қодирман, деган саволни бера олиши лозим. Бу саволга жавобни эса тарғиботчи, ташаббускор, иқтидорли, билимли ёшларгина бера олади. Ўз иш фаолиятига муносабатни шакллантира олган ходим соҳада, албатта, янгиликлар яратади.

Б.Нишонов учрашувда иштирок этган ёшларга муваффақиятлар тилар экан, уларнинг келгуси фаолиятларидаги ютуқларига умид билдирди.

Севара ОРИПОВА, ФВВ ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ходими

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕТЕОРОЛОГИЯСИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Агрометеорологии кўрсаткич. Агрометеорологик шароитларнинг миқдорий ифодаси бўлиб, қ.-х. экинлари эҳгиёжларини ифодалайди (ГОСТ 17713-89) ва атмосферадаги, тупроқдаги физик жараёнларни ҳамда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишидаги хдётий функцияларни акс эттиради. А.к. константа ҳисобланмайди; мас., ўсимликларнинг ривожланиши учун у ёки бу босқичлараро даврда зарур бўлган фаол (ёки самарали) ҳарорат миқдорлари ифодаси илдиз озиқланадиган тупроқ қатламининг намланиш шароитларига боғлиқ равишда ўзгаради.

Агрометеорологии маълумотнома. Станциялар ва постлар тармоғи томонидан муайян ҳудудда олиб борилган агрометеорологик кузатувларнинг камида 30 йиллик муддатга оид йилма-йил тизимлаштирилган материаллари. Миллий гидрометеорология хизматлари (МГМХ) мутахассислари томонидан тезкор ва илмий ишларни олиб бориш чоғида кенг фойдаланилади.

Агрометеорологияда математик статистика. Математик статистика услубиятидан агрометеорологик тадқиқотларда оммавий кузатувлар материалларига ишлов беришда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ва табиий пичанзор-яйлов ўсимликларининг ҳолати, ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлиги шаклланишининг миқдорий муносабатларини белгилашда фойдаланилади.

Агрометеорологияда математик моделлаштириш. Агрометеорологик шароитлар (омиллар) билан қишлоқ хўжалиги экинларининг, табиий яйловлар эдификаторларининг (ёки бутун фитоценозларнинг) ўсиши, ривожланиши ўртасидаги эмпирик ва ярим эмпирик (ёки назарий) боғлиқликнинг миқдорий (математик) баёни. Математик моделлар: статистик; синоптик статистик; физик статистик; динамик турларга бўлинади.

Агрометеорологик таъминот. Истеъмолчига тезкор ва режимли агрометеорологик (агроиқлим) ахборотни, шу жумладан вужудга келган ва кутилаётган агрометеорологик шароитларнинг ҳамда бу шароитларнинг [қишлоқ хўжалиги экинларининг], шунингдек, [табиий ўсимликларнинг] ҳолати, ўсиши, ривожланиши, ҳосидорлигининг шаклланишига, ўсимликшуносликда ўтказиладиган асосий агротехника ва хўжалик тадбирларига таъсирининг таҳлили ва башоратини тақдим этиш тизимидир.

Агрометеорологик таъминот миллий гидрометеорология хизматларининг илмий-тезкор ва тармоқ бўлинмалари томонидан ахборотни турли алоқа каналлари (радио, телевидение, босма бюллетенлар, шарҳлар, маълумотномалар ва бошқа) орқали ҳар куни, ҳар хдфтада, хдр ўн кунликда ва ҳоказо узатиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Ахборот, шунингдек, истеъмолчиларнинг талабига биноан берилиши ҳам мумкин.

(Давоми бор)

Аьло АБДУЛЛАЕВ, Малоҳат РЎЗИЕВА

УҚУВ МАШҚЛАРИ -

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида “Бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий ва функционал ◦уйи тизимларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оцибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракати” мавзусида қўмондонлик-штаб ў◦ув машқи ўтказилди.

Ўқув машқи туман Алоқа ва хабар бериш хизматлари томонидан бошқарув органлари таркиби ва хизматларидан 80 нафар раҳбарлар таркибига “ЙИҒИН” сигнали берилиши билан бошланди.

Унга туман ҳокимлиги, туман ФВДТ ҳудудий ва қуйи тизимлари хизматларининг раҳбарлари, иқтисодиёт объектлари раҳбарлари ва Фуқаро муҳофазаси тузилмалари, эвакуация комиссиялари, туман ҳокимларининг йиғма командалари, тумандаги корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамда мутахассислари, туман ОФЙ ва МФЙ раислари ҳамда туманлар аҳолисининг айрим қисмлари жалб қилинди.

Ўқув машқини ўтказишдан асосий эътибор фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича ҳаракат режаларининг тўғрилигига, бу режаларда кўрилган тадбирларнинг амалий бажарилиш эҳтимолига, табиий тусдаги юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда туман аҳолисининг кўчиш жойида тезкор тартибда аҳолига яшаш шароитларини яратишга, кўриладиган зарарларни мумкин даражада камайтириш ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш бўйича тайёргарлигига қаратилди.

И.КОСБАЕВ, Қорақадпоғистон Республикаси ФВБ холими

* * *

Навоий вилояти ФВБ томонидан Навоий вилояти “Қизилтепа ун заводи” АЖда «Табиий ва техноген тусдаги фавцулодда вазиятлар юз берганда объект раҳбарияти ва Фуцаро муҳофазаси тузилмаларининг вилоят ФВДТ хизматлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари» мавзусида махсус-тактик ў◦ув машци ўтказилди.

Асосий мақсад объект “Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш режаси”-нинг амалийлигини текшириш, раҳбарлар ва ФМ тузилмалари шахсий таркибининг фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришдаги тажриба ва малакасини ошириш ҳамда объект раҳбарияти ва туман фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини амалда текшириш ва мувофиқлаштиришга қаратилди.

Ўқув машқига вилоят ФВБ, шаҳар ИИБ ЁХБ, шаҳар Электр тармоқлари корхонасидан, шаҳар Тиббиёт бирлашмаси ва объект Фуқаро муҳофазаси тузилмасидан жами 24 нафар ходим ва 11 та техника жалб этилди. Ўқув машқи 4 босқичда: “Йиғин” ва саф кўриги, содир бўлган зилзила натижасида келиб чиққан ёнғинни ўчириш ва талафотларини бартараф этиш, жабрланганларни қутқариш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда эвакуация тадбирларини амалга ошириш каби босқичларда бўлиб ўтди.

* * *

Хатирчи тумани «Боғчакалон» МФЙ ҳудудида “Хатирчи туман ФВДТ хизматларининг аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин сувлари оқимлари оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Унда асосоий эътибор “Боғчакалон” ва “Тамабахрин” МФЙ ҳудудидаги аҳоли хонадонлари ва фермер хўжалигининг экин майдонларини сел-тошқин сувларидан муҳофаза қилишга қаратилди. Ўқув машқи давомида “Боғчакалон” ва “Тамабахрин” МФЙ ҳудудидан ўтувчи “Боғчакалонсой” сойининг 350 метр ички ўзани тозаланиб, қирғоқлари мустаҳкамланди, 1000 м. куб тупроқ мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, “Боғчакалон” ва “Тамабахрин” МФЙда яшовчи аҳоли билан сел, сув тошқинлари хавфи юзага келганда ҳаракатланиш тартиби, дарё ва сойларнинг муҳофаза зоналарида ноқонуний (молхона, ҳожатхона ва бошқа) қурилмалар қурмаслик ҳамда ҳар хил турдаги дарахтларни экмаслик тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди ва мавзуга оид эслатмалар тарқатилди.

Катта лейтенант Р.ТОШНАЗАРОВ,
Навоий вилояти ФВБ холими

“ЁШ ҚУТҚАРУВЧИ”

* * *

Навоий вилоятида мавжуд касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида ташкил этилган “Ёш цутцарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасида вилоят босцич мусобацалари бўлиб ўтди.

Ўтказилган мусобақаларда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар бошқармаларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Шаҳар, туман босқичида касб-ҳунар коллежлари ўртасида ғолиб, деб топилган Навоий шаҳридаги Кончилик, Кармана туманидаги Саноат ва иқтисодиёт, Конимех туманидаги Агросервис, Навбаҳор туманидаги Енгил саноат, Қизилтепа туманидаги Маиший хизмат кўрсатиш, Нурота туманидаги Ижтимоий-иқтисодий, Хатирчи туманидаги Педагогика ва хизмат кўрсатиш, Зарафшон шаҳар Электроэнергетика касб-ҳунар коллежи, Учқудуқ туманидаги Кончилик коллежлар жамоалари ўртасида “Ёш қутқарувчи” мусобақасининг вилоят босқичи Навоий шаҳридаги Кончилик коллежи биносида ўтказилди. Мусобақада Кармана туманидаги Саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ғолиб деб топилиб, республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, умумтаълим мактаби жамоалари ўртасидаги “Ёш қутқарувчи” мусобақасининг вилоят босқичи Навоий шаҳридаги 8-сонли умумтаълим мактаби биносида бўлиб, Навоий шаҳридаги 1-сонли ДИУМ ғолиб деб топилиб, республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Мусобақалар 5 та шарт бўйича ўтказилиб, ҳар бир ўқув нуқтаси қўшма қарорда белгиланган тадбирлар асосида ташкил этилди. Мусобақалар Ёшлар иттифоқи, Соғлиқни сақлаш, Фавцулодда вазиятлар бошқармасининг масъул ходимларидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан кузатиб борилди. Мусобақалар якунида ғолибларга “Энг яхши қутқарувчи қиз бола”, “Энг яхши қутқарувчи ўғил бола”, “Энг яхши жамоа”, “Энг яхттти клуб формаси”, “Энг яхши ташкил этилган кўргазма”, “Энг яхши тоғ тайёргарлигига эга жамоа”, “Энг яхттти билимдон жамоа”, “Энг яхши ҳамжиҳат жамоа” ва “Энг яхттти тиббий ёрдам кўрсатган жамоа” номинациялари бўйича Ёшлар иттифоқи, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими ва Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларининг Фахрий ёрлиқлари, диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Катта лейтенант Р.ТОШНАЗАРОВ,
Навоий вилояти ФВБ холими

ҲАЁТ ДАРСЛАРИ

* * *

“Тайёргарликдан ўтган инсон, ярим цутцарилган инсондир” дейдилар. Дунёда рўй берган фавцулодда вазиятлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, турли офатлар оцибатида қурбон бўлаётган аҳолининг кўпчилиги тайёргарликдан ўтмаган ёки хавфсизлик қоидаларига риоя цилмаганлиги, фавцулодда вазиятларга шай эмаслиги асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис, аҳолини ўз вацтида огоҳ этиш, уларни фавцулодда вазиятларга тайёрлаш, бирор кўнгилсиз офат рўй бергудек бўлса, ундан сацланиш цоидаларини тушунтириш, тўғри ҳаракат цилишга ўргатиш, шунингдек, цўмондонлик-штаб ва махсус цуув-тактик машғулотларини белгиланган режа асосида ўтказиш мацсадида Тошкент шаҳар Фавцулодда вазиятлар бошцармаси Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари томонидан жойларда тарғибот-ташвицот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоцда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳар аҳолиси ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2017 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2018 йилдаги вазифалар тўғрисида”ги 1-сонли бўйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 25 апрель кунида “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ объекти фуқаро муҳофазаси бошлиғи Абдуносир Дадаматов бошчилигида штаб бошлиғи Муҳаммадали Боймуҳамедовнинг 44 кишидан иборат, 9 гуруҳга бўлинган, фуқаро муҳофазаси гуруҳлари тайёргарлиги бўйича мазкур ташкилотда махсус ўқув-тактик машғулоти ўтказилди.

Тадбир Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари Кутқарув кучлари бўлими бошлиғи подполковник Р.Абдугапаров, бўлим етакчи мутахассиси О.Хушвақов ва АРТТМ ўқитувчиси Т.Маҳмудовлар иштирокида олиб борилди. Таъкидлаш жоизки, ўтказилган машғулот давомида “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ фуқаро муҳофазаси тузилмалари ўзларига қўйилган вазифаларни аъло даражада кўрсатиб беришди.

Махсус ўқув-тактик машғулотини ташкил қилиш ва уни рисоладагидай ўтказилиши ҳамда фуқаро муҳофазаси гуруҳлари тайёргарлиги учун барча шароитларни муҳайё қилган объект раҳбари А.Дадаматовга ва ишчи-ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Майор Э.ҚЎЧҚОРОВ,
Т.МАҲМУАОВ, Тошкент шаҳар ФВБ ходимлари

* * *

Фарғона вилоятидаги Кувасой шаҳар “Полмон” бош сув тацсимлаш иншоотида “Сел оцимларидан тозалаш ва цирғоцларини мустаҳкамлашда шаҳар механизациялашган йиғма командаси ҳамда Фуцаро муҳофазаси хизматлари ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўцув машци ўтказилди.

Ўқув машқи 4 та ўқув нуқтада бўлиб ўтди.

1- ўқув нуқта ФМ шатаб аъзолари ва Фуқаро муҳофазаси тузилмаларини “Йиғин” сигнали бўйича белгиланган муддатларда етиб келиши билан бошланди. Объект раҳбарияти ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари “Йиғин” сигнали бўйича саф тортди ва объект раҳбари корхонадаги вазият бўйича ахборот бериб, уларга вазифалар берилди.

2- ўқув нуқтасида сел, сув тошқинлари пайтида навбатчи-диспетчернинг ҳаракатлари, сув иншоотининг ишдан чиққан тўсқич (шлюз)ларини таъмирлаш, тўпланиб қолган чиқиндилардан тозалаш тадбирлари бажарилди.

3- ўқув нуқтасида Кувасой шаҳар Фуқаро муҳофазаси хизматларининг сел, сув тошқинлари натижасида талафот кўрган ҳудудларида коммуникация тизимларидаги авариялларни бартараф этиш тадбирлари амалга оширилди.

4- ўқув нуқтасида “Бешолиш” сойи қирғоқларини мустаҳкамлаш, шунингдек, 400 м^3 лойқа ва шағаллардан тозалаш тадбирлари амалга оширилди.

Ўқув машқига жами бўлиб 54 нафар шахсий таркиб ва 13 та турли русумдаги махсус ва муҳандислик техникалари жалб этилди.

Лейтенант Ш.АҲМАААЛИЕВ,
Қувасой шаури ФВ бўлими ходими

* * *

Андижон вилояти “Марҳамат туманида “Зарарли чигирткаларга царши кураш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш” мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўцув машци ўтказилди.

Вилоят ФВДТ томонидан зарарли чигирткаларнинг оммавий тарқалишининг олдини олиш тадбирларини сифатли ва самарали ташкил этиш;

зарарли чигирткаларга қарши курашиш тадбирлари самарадорлигини ошириш бўйича замонавий усулларни жорий қилиш, ушбу тадбирларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорликдаги ҳаракатлари такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш ўқув машқининг асосий мақсадлари этиб белгиланди.

Ўқув машқи давомида зарарли чигирткалар тарқалган майдонларни аниқлаш ва тарқалиш майдонларини чегаралаш, кимёвий ишловлар ўтказиш жойларини белгилаш, тегишли кимёвий препаратлар, ишлов ўтказиш техникалари ва ёрдамчи воситаларни шай ҳолатга келтириш ҳамда махсус ишлов бериш ишларини амалга ошириш, қарши кураш тадбирларига жалб этиладиган ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароитлар яратиш, кимёвий ишлов бериш вақтида фойдаланиладиган кимёвий препаратлардан заҳарланишларда тиббий ёрдам бериш каби ўқув саволлари ўрганилди.

Амалий қисмда туман Бобур массивидаги очиқ майдонда “Зарарли чигирткалар тарқалишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш” мавзусида амалий ҳаракатлар намойиши бўлди.

Бундан ташқари, зарарли чигирткаларга қарши кураш штаби фаолиятини ташкил этиш, чигирткалар кўпайиш ўчоқларини аниқлаш бўйича кузатувлар олиб бориш, зарурий куч ва воситаларни тайёрлаш, агротехник ва кимёвий ишлов бериш ҳамда кимёвий препаратлардан заҳарланган иттчиларга тиббий ёрдам бериш усулларини ўз ичига олган комплекс тадбирлар ўрганилди.

Ўқув машқида туман масъул хизматларининг 26 нафар раҳбар ходимлари ва тузилмалар шахсий таркиб, 14 та махсус техника воситалари ҳамда 10 нафар вилоят масъул хизматлари вакиллари ва 78 нафар ўрганувчилар, жами 114 нафар киши қатнашди.

Сержант Б.ТУРАИБАЕВ,
Андижон вилояти ФВБ ходими

ЮТУҚЛАРИМИЗ БОРАК

* * *

Хоразм вилояти ФВБ Касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2017 йил 20 ноябрь кунидаги Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан ўтказилган кўрик-танловда иштирок этиб, Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловининг Республика босқичида “Меҳнатни муҳофаза қилиш ёш мутахассиси” номинацияси бўйича иштирок этган 279 та қўмита ўртасида фахрли 1-ўринни эгаллаганлиги учун Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан 1-даражали диплом билан тақдирланди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Ш.Аллаберганов томонидан бошқарма Касаба уюшмаси эгаллаган 1-ўрин учун диплом ва қимматбаҳо совғалар (LED TV телевизори) шахсий таркиб ўртасида топширилди.

Х.ЮСУПОВ, Хоразм вилояти
ФВБ Касаба уюшма қўмитаси раиси;
О.РАҲИМОВ, Меҳнат муҳофазаси комиссияси раиси

* * *

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсатининг қарори билан ташкил қилинган иккинчи босқич ғолибларини тақдирлаш тадбири 2018 йил 28 апрель куни Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Мажлислар залида ўтказилди. Унда Сирдарё вилояти ФВБ меҳнат муҳофазаси мутахассиси Баҳодир Абдуқодиров “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови” 2-босқичида 3-ўринни эгаллаганлиги учун Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси “ЭНГ ЯХШИ КОРХОНА” номинацияси бўйича диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Ш.ЖОНИБЕКОВ, Сирдарё вилояти ФВБ ходими

ЭЛ ОМОНЛИГИ УЧУН

Эломон Отажонов 1978 йил 17 сентябрь куни Сирдарё вилояти Сирдарё туманининг Таращиёт маҳалласида дунёга келган.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида шартнома асосида хизмат бурчини ўтаётган катта сержант Эломон Отажонов 2000 йилнинг 11 август куни Сурхондарё вилояти Узун туманида бўлган жанговар ҳаракатларда душман ўқидан яраланиб, ҳалок бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 25 августдаги Фармонига мувофиқ, «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Эломоннинг отаси Холмурод ака Отажонов бир умр совхозда ишчи, механизатор, мустақилликдан сўнг фермер бўлиб ишлаб, нафақага чиқди.

Онаси Янглиш опа Отажонова совхозда аввал ишчи, сўнгра мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб 30 йилдан зиёд меҳнат қилди ва айни чоғда нафақада.

Отажоновлар Эломондан ташқари яна 2 ўғил, 2 қизни вояга етказиб, уйли-жойли қилди. Ҳозир 9 набиранинг бобо ва бувиси.

Эломон Отажонов 1996 йилда Сирдарё туманидаги 2-умумтаълим макгабини намунали хулқ, яхши ва аъло баҳоларга тамомлади.

— Эломон синфидаги энг тез фикрлай оладиган, энг суюкли ўкувчиларимдан эди,-дея хотирлайди устози, меҳнат фахрийси Анора Хўжакулова. — Барча фанларни жуда яхши ўзлаштирарди.

Эрталаб мактабга кела-келгунча барча ўртоқларига уйма-уй кириб, ҳаммасини йиғиб, биргаликда келишарди. Устозлари, синфдош ўртоқларига жуда меҳрибон эди. Ўқитувчиларимиздан ёки синфдош дўстларидан бирортаси бетоб бўлиб қолса, барча дўстларини йиғиб, албатта, унинг ҳолидан хабар олгани етиб борарди.

Адабиёт фанини қизиқиш билан тинглаб, уй вазифасини гапириб бераётганда завқ билан ҳикоя қилар, китоб мутолаа қилишни, шеър ўқишни хуш кўрарди. У шеърни ҳис-ҳаяжон билан ўқир эдики, ҳамма Эломоннинг ифодали ўқишига мафтун бўлиб қоларди.

— У, айниқса, жисмоний тарбияни айро яхши кўрарди,-дейди Эломоннинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Ботир ака Турсункулов. — Эломон ва дўсти Фарҳод синфдаги энг бўйчан болалар эди. Воллейболни жуда яхши ўйнашарди. Эломон 9-синфдалигидаёқ мактаб терма жамоаси сафида ўйнаб, 2-разрядни эгаллаганди. 11-синф бўлганида биринчи марта мактабимиз вилоятда 2-ўринни эгаллаганди. Қайси спорт туридан беллашувлар бўлмасин, мактаб терма жамоаси сафида Эломонни кўрардик. Усиз жамоани тасаввур қилиш қийин эди.

Барча устозларига ҳурмати жуда баланд эди. Мактабни тамомлаганидан кейин ҳам, уйга келган чоғида, албатта, устозларидан хабар олиб, мактабга бирров бўлса-да, кириб кетарди.

Эломон ўрта мактабни тамомлаб, олий ўқув юртига имтиҳон топширди. Ўтиш балларига бир оз етмай, қишлоғига қайтди. Механик ҳайдовчилар тайёрлаш курсига кириб, уни битирди ва бир ярим йил совхозда механизатор бўлиб ишлади. 1997 йил уйдагиларига билдирмай, ўзи туман мудофаа ишлари бўлимига бориб, Қуролли Кучлар сафига жўнатишини сўраб ариза ёзди.

Бундан Янглиш опанинг кўнгли хавотирга тушиб, бир оз ранжиди. Турмуш ўртоғи Холмурод ака: «Хафа бўлма, онаси, ахир ҳар бир йигит Ватан олдидаги бурчини ўташи шарт. Бундан хафа эмас, хурсанд бўлишинг керак»,-деди.

Эломон Отажонов миллий армиямиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, Қуролли Кучлар сафида шартнома бўйича қолишга қарор қилди. Сержантлар тайёрлаш мактабини тугатиш арафасида Мудофаа вазирлигига қарашли махсус бўлинмага қабул учун танлов ўтказилди. Эломон бу танловда иштирок этиб, барча кўрсаткичлар бўйича аъло натижалар кўрсатди.

— Хизмати Чирчиқ шаҳрида пайти 2000 йилнинг 22 июлида 2 кунга уйга келди-дея эслайди Эломоннинг онаси Янглиш опа. — Отаси билан олдимизга ўтирғизиб: «Қачонгача бўйдоқ юрасан, энди уйлантираман. Дўстларинг аллақачон фарзандли бўлди. Танлаганинг бўлса айт, совчиликка бориб битирай. Бўлмаса буни айт, кўз остимга олиб кўйганларим бор. Шуларни пишигай»,-дедим. «Онажон, бошқа жойга хизмат сафарига жўнатишмоқда. Ўша ердан қайтай, бу масалага кейин қайтамиз, хўпми?»-деб бизни кўндирди. Ўшанда у сўнгги бор уйга келганини, ўғлим Эломонжонни сўнгги бор кўраётганимни билмаган эдим...

— Махсус гуруҳимизга Сурхондарёнинг Узун тумани ҳудудидаги Киштут тоғ ораларида яшириниб олган куролланган душманни топиб, бартараф этиш топшириғи юкланди,-дея хотирлайди Эломоннинг хизматдоши кичик сержант Рашид Шомуродов. — Кўшинларимиз томонидан мамлакатимиз ҳудудига яширин йўллар билан кириб жойлашиб олган террорчилар қароргоҳи вайрон кцлингач, улар тоғдаги турли арча-ю, буталар орасига яшириниб олишган эди. Биз тоғ тепасидан Ҳамидарча қишлоғигача бўлган ҳудуддан мустақиллигимизга таҳдид солмокци бўлган душманларни топиб, ҳудудни улардан тозалашимиз керак эди.

Гуруҳ командири капитан Абдували Ҳамроев, уч киши — катта сержант Эломон Отажонов, мен ва сержант Дониёр Тожибоевга асосий гуруҳдан 15-20 метр олдинда бориб, душман яширинган жойини аниқлаш ва асосий гуруҳга ишора орқали

СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқиш ёки муомалага киритилиши ва тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

— фуқаролар соғлиғини сақлаш, алкоголь, тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, икдисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

— фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларнинг соғлиғига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бундай таҳдидларни камайтиришга қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш;

— алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш, шунингдек, бундай маҳсулотларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, уларнинг салбий таъсири профилактикасига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш;

— алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;

— соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг қонунга хилоф равишда ишлаб чиқиш ёки муомалага киритишини тарқатилиши ва истеъмол кцлинишини чеклаш ва уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилишга доир чеклашлар келтириб ўтилган.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини:

— йигирма ёшга тўлмаган шахсларга;

— таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектлари томонидан;

— улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаса;

— акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда (пиводан ташқари) ёки акциз маркалари қдлбаки бўлганда;

— уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини берадиган тарзда аниқ тамғаланмаган бўлса;

— доналаб, кутисиз (ўровсиз) — тамаки маҳсулотига нисбатан;

— уларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган бўлса;

— уларни етказиб бериш ҳукукцга эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширган маҳсулот етказиб берувчидан;

— олинган бўлса, реализация қилиш мумкин эмас.

Республикамизда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан самарали давлат назорати ўрнатилган.

Б.РАҲМАТОВ,
ИИВ Академияси курсанти

Ижтимоий соҳа

ШАХС ҲУҚУҚИ

Узбекистан Республикасида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилик берган қарорига, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига асосан амалга оширилади.

Шахснинг тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримида:

тиббий муассасага жойлаштирилган шахс ва унинг процессуал мавқеи;

шахс жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи;

зарур бўлганда шахсни шу муассасага олиб бориш тўғрисидаги фармойиш;

эҳтиёт чораси тўғрисидаги °арори акс эттирилади (ЖПКнинг 266-моддаси).

Тиббий муассасага эксперт текширув учун жойлаштирилган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг бу хусусидаги ажрим устидан юқори судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юрилаётган шахсни тиббий муассасага бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштириш мумкин.

Агар ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлланилаётган шахс соғайса, у тергов ҳаракатларида иштирок этиши мумкин ва унга қандай ижтимоий хавфли қилмиш учун айб қилинаётганлигини билиш, кўрсатув бериш, далиллар тақдим этиш, илтимослар билдириш, ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш, ҳимоячига эга бўлиш ва терговчи прокурорнинг ҳаракатлари устидан шикоят бериш каби қонунда белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларини бажаради.

Жабрланувчилар ва гувоҳларини экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштириш мумкин эмас. Улар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи кцсмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этишда айбли эканлиги, бераётган кўрсатмаларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳолларда бундан мустасно.

Юқоридагилар асосида қуйидагича хулосага келишимиз мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлланаётган шахс °уйидагича мазмундаги процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши лозим: жиноят қонуни билан тақикданган қандай қилмиш содир этганлиги учун унга нисбатан ушбу мажбурлов чоралари қўлланилаётганлигини билиш; ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда кўрсатма ва тушунтиришлар бериш; таржимон хизматидан бепул фойдаланиши; далилларни такдим этиш; илтимоснома билан чиқиш; ҳимоячига эга бўлиш; тергов ва суд мажлисида қатнашиш; экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ва унинг хулосаси билан танишиш; суд баённомаси билан танишиш; ўз қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунга зид бўлмаган бошқа усулларда ҳимоя қилиш.

Қ.КАРИМОВ,
ИИВ Академияси курсанти

ЖОН ФИДО ЭЛОМОН

хабар беришини буюрди...

Олдинда Эломон, ўртада Рашид, охирида Дониёр борарди. Улар тиззаларини буккан ҳолда, ерга юзлари теккудек энгашиб, навбатма-навбат жуда тез ҳаракат қилишар, олдинда бораётгани шерикларига, ортдагиси асосий гуруҳдагиларга қўл имо-ишорасини берарди.

Бирдан «пақ» этиб янграган ўқ товушидан кушлар «пир» этиб осмонга кўтарилди, тоғдан ўқнинг акс садоси янгради. Эломон «гурс» этиб тиззаси билан ерга тушди-да, олд томонига йиқила туриб, чап тарафдаги бута орасига қарата автоматидан ўқ узди ва юзтубан ерга қулади. Орадан бир-икки сония ўтар-ўтмай бошқа томондан отилган душман ўқидан Дониёр ҳам йиқилди.

Учаловидан 10-15 метрлар ортда, асосий гуруҳнинг бошида келаётган гуруҳ гранатомётчиси Юнус Охунов Эломоннинг ўқ узган жойидаги душманни аниқлаб, у томонга қарата ўт очди. Шу пайтнинг ўзида учинчи томондан отилган душман ўқи Юнусни ҳам юзтубан йиқитди.

— Гуруҳда энг ёш бўлганим учунми, ўша пайтда кимга ёрдам кўрсатишни билмай бир оз эсанкираб қолдим,-дея ҳикоя қилади, кичик сержант Рашид Шомуродов. — Гуруҳ командири капитан Абдували Ҳамроевнинг: «Ерга ёт!» деган буйруғи қулоғимга ҳам кирмабди. Кўзим Эломон акада эди. Эломон ака менга кдраб автомат тутган қўли билан «Тез ерга ёт!» ишорасини қилди. Ўзи эса ярадор бўлса-да, пастга қараб судрала бошлади. Буни кўрган командиримиз: «Катта сержант Отажонов, буюраман, жойингдан қимирлама-а!»-дея бор овози билан бақирди. Лекин Эломон ака ҳаракатни давом эттирарди. Эшитмаяпти шекилли, деб мен ҳам: «Қимирламанг, Эломон ака, ҳозир ёрдамга бораман, жойингизда ётинг, бу командирнинг буйруғи!»-дея бақирардим. Лекин у гўё ҳеч нарсани эшитмагандек, судралишда давом этарди. У оғир ярадор ҳолича тўхтамай ҳаракатланаётганидан ҳайрон эдим. Ҳадеганда Эломон акага душманлар бошқа ўқ узишмасди. Кейин билсак, у душманлар жойини аниқлаш учун шундай йўл тутган экан. У мендан бир оз олислагач, сув солинган идишни тепага кўтарди. Эломон ака кўтарган нишон уч томондан ўққа тутилди. Мен Эломон акани отган малъунни аниқ кўрдим ва ўша томонга қарата ўқ уздим. Бирпасда тасир-тусур бошланиб кетди. Душманни мен отдимми ёки снайперчимиз Шерали Эсонов отдими, билмадим.

Жанг тугагунча, биз яралганган уч нафар сафдошимизни вертолёт томон кўтардик. Чиқариш қийин кечаётганини кўриб, учувчи тепамизга учиб келиб пастлади.

Эломон акани вертолётга ортишимиз олдидан, бизга ўнг қўли билан «Тўхтанглар!» ишорасини қилди. Ўшанда айтган сўнгги сўзлари ҳамон қулоқларим остидан кетгани йўқ.

«Сизлардан сўнгги илтимосим, ота-онам, укасингилларимдан тез-тез хабар олиб туринглар!»-дея кўзларини юмди. Оғир яраланган Эломон ака жуда кўп қон йўқотганидан вертолёт кабинасига ҳам етмай жони узилди.

— Ўша куни ғўзани чилпиш учун ҳашарчиларни чақиртирган эдим,-дея хотирлайди Холмурод ака Отажонов. — Ўша пайтдаги маҳалла раиси Икром ака ҳамда ҳамқишлоғим Абдураҳим олдимга келиб, «Холмурод, уйингга юр, сенда зарур ишимиз бор!»-дея қўярда-қўймай уйга олиб келишди. Уйга кирар-кирмасимиздан икки нафар ҳарбий ортимиздан кириб келди. Офицерларнинг бири Сурхондарёдан Эломоннинг олдидан келибди, иккинчиси туман Мудофаа ишлари бўлимидан экан. «Ўғлингиз — катта сержант Эломон Отажонов яраланиб, Термиздаги госпиталга тушиб қолди. Биз сизни унинг олдига олиб кетгани келдик»,-деди у.

Маҳалла раиси Икром Алиматов: «Буларни умидвор қилиб нима қиласизлар? Бор гапни айтаверинглар!»-деди қатъий оҳангда. Икки офицер ҳам индамай ерга қаради.

Икром ака: «Холмурод, бардам бўл! Эломондан айрилиб қолдик»,-дегани қулоғимга кирди. Кейин нима бўлганини умуман эслай олмайман,-дея Холмурод ака йиғлаганча хонадан чиқиб кетди...

Эл осойишталиги, юрт тинчлиги, мамлакат мустақиллиги учун жон фидо қилган, гўшангага қадам қўймай, куёвлик гаштини сурмай, олам-олам орзуларини ўзи билан олиб кетган, навниҳоллигида умри поёнига етган ўғлингиз Эломон учун кўз ёш тўкаётган бўлсангиз, бу кўз ёшларингизни биздан яширманг, Холмурод ака. Бунинг ҳеч ҳам уяти йўқ.

Сиз ва Янглиш опа Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртини битирган, акаси Эломоннинг изидан бориб, ҳарбийликни касб қилган иккинчи ўғлингиз майор Юсуф Отажоновдек, ота йўлидан бориб, сиздан қабул қилган фермер хўжалигини бекаму кўст бошқараётган кенжа ўғлингиз Алишердек, иккиси икки оилани бахтли қилиб ўтирган қизларингиз Санобару Кларадек фарзандларни камолга етказган инсонлар сифатида бошингизни тик тутинг. Чунки биринг халқ қаҳрамонига лойиқ, эли тинчу омонлиги, юрти мустақиллиги учун жонини фидо қилган Эломон Отажоновнинг падари бузруквори, иккинчингиз волидаи муҳтарамасисиз. Халқ эса ўз қаҳрамонларини ҳеч кдчон унутмайди.

Абдужалол ҚАЮМОВ,
Смрдарё вилояти

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Жиноят ишини тергов қилишда суриштирувчининг ва терговчининг Тезкор қидирув хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги жиноятни очиш ва фош этишда асосий йўналишлардан ҳисобланади. Маълумки, жиноят қидирув органи жиноят иши юзасидан зарурий оператив-қидрув чораларини, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини, шунингдек, содир қилинган жиноятни очиш, уларнинг олдини олиш, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва уни жавобгарликка тортиш учун жиноят процессуал қонунда кўрсатилган ва бошқа зарур процессуал мажбурлов чораларини қўллайди.

Суриштирувчи ва терговчи текширилаётган иши бўйича жиноят-қидирув органларига ёзма равишда улар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қуйидаги топшириқ ва вазифаларни бериши мумкин:

1. Тергов ҳаракатларини ўтказиш.

2. Тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида ёрдам кўрсатиш.

3. Қидирув ҳаракатларини олиб бориш.

Демак, бу юқоридаги ҳамкорлик усулининг қонун билан тартибга солинган қисми ва исботидир.

Ҳамкорликнинг мазмуни унинг мақсадлари билан белгиланади. Ҳамкорликнинг асосий мақсади эса жиноятни фош этишдир.

Баъзи бир ҳолларда бу мақсад маълум бир тергов ҳаракатининг муваффақиятли ўтказиш бўлса, бошқа ҳолларда тезкор йўл билан керакли маълумотларни олиш, яширинган, шубҳаланилган шахсни ёки айбланувчини, ашёвий далилларни, ҳужжатларни ва бошқаларни қидириш ва фош этиш ҳисобланади.

Ҳамкорлик бир марталик, қисқа вақтга мўлжалланган ёки муайян бир иш бўйича узоқ вақт давом этиши мумкин. Агар дастлабки терговга эҳтиёж бўлмаса ва иш бутунлай бошланғич тергов органи томонидан олиб борилса, ҳамкорликка эҳтиёж қолмайди. Бу дастлабки тергов органи ходими ҳеч ким билан алоқада бўлмайди, дегани эмас. Худди терговчи каби мутахассисларга, экспертларга мурожаат қилиши, Ички ишлар хизмати бошқа органларининг ходимлари билан маслаҳатлашиши мумкин.

Суриштирувчининг ва терговчининг Тезкор қидирув хизматлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини ЖПКга оид идоравий норматив ҳужжатлар ташкил этади.

Демак, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда терговчи ва Тезкор қидирув хизматлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини том маънода жиноят-процессуал ҳуқуқ тармоғига кирувчи мураккаб ҳуқуқий институт дейиш мумкин.

Суриштирувчи ва терговчи томонидан Тезкор қидирув хизматлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар бўйича ўзига яраша чекловлар ҳам белгилаб ўтилган. Жумладан, терговчи ва Тезкор қидирув хизматларида амалга ошириладиган фуқаролар ҳаётини, соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда қонуний манфаатларини хавф остига қўйса, шунингдек, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатлар содир этиш, фуқароларни жиноят содир этишига оғдириш ва ундаш, зўравонлик, таҳдид, қўрқитиш ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи бошқа ғайриқонуний усуллардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, уларни амалга оширилиши тақиқдаб қўйилган.

Қискд қилиб айтганда, суриштирувчи ва терговчи билан Тезкор қидирув хизматларининг ҳамкорлиги процессуал ва нопроцессуал шаклларда амалга оширилиб, унинг мақсади жиноятларни “иссиқ изи” дан фош этиш, жиноят содир этган шахсларни жиноят қуролларини ва далилий ашёларини аниқлашдан жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрган шахсларни топишдан иборат бўлади.

А.ИСКАНДАРОВ,
ИИВ Академияси 4-ўқув курен
418-гуруҳ курсанти

ЁНҒИНЛАРГА ҚАРШИ

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнғинга қарши кураш юзасидан тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилмоқда. Ушбу ишларда муассасалардаги тарбиячилар ва тарбияланувчилар, идора ва ташкилотлардаги ишчи-ходимларга ёнғинга қарши кураш чоралари юзасидан тушунчалар бериб борилмоқда.

Ёнғин шундай офатки, у кутилмаганда юз бериб, санокди лаҳзаларда улкан майдонни қамраб олади. Ўчиришнинг ўзи катта муаммоларга айланади. Бундан ташқари, ёнғин ўз жойидан бошқа ҳудудларга ҳам кўчиб ўтади. Бу эса ўз-ўзидан атрофдаги уй-жойлар, маъмурий биноларни ҳам хавф остида қолдиради.

Хулоса қилиш керакки, ёнғинга қарши курашиш нафақат соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаронинг асосий вазифаларидан саналади. Чунки жаннатмакон юртимизнинг ҳар бир қарич ери, унда яшаётган инсонларнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳар қандай неъматдан улуғдир. Шундай экан, ҳар лаҳзада огоҳ ва ҳушёр бўлайлик, азиз юртдошлар! Ёнғин дея аталган балонинг жабрдийдасига айланиб қолмайлик!

Сафдор З.ОРУНОВА,
Тошкент тедемаркази ЁХБ кичик инспектори

* * *

Аксар ҳолларда болаларни назоратсиз қолдириш, уларнинг олов билан ўйнашларига бепарволик билан кдраш, носоз иситиш ва газ мосламаларидан фойдаланиш мана шундай офатларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳозирда ахборот-коммуникация воситаларининг турмушимизда фаол аҳамият касб этиб бораётганлиги, улардан мунтазам ва узлуксиз равишда фойдаланаётганлигимиз, аксар ҳолларда телевизор ва шунга ўхшаш воситаларнинг туну кун хонадонларда ўчмаслиги ёки бир вақтнинг ўзида турли электр мосламаларидан тенг фойдаланиш оқибатида электр ўтказгичларида қизиб кетиш, узилиш, қисқа туташув билан боғлиқ ҳодисаларни юзага келтирмоқда. Бунинг охири эса муқаррар ёнғин демакдир.

Ёнғин шу қадар бешафқат офатки, у нимаики бўлса, ўз домига тортади ва куйдириб, кул қилади. Инсонларнинг неча йиллар машаққат билан тўплаган молу мулклари, ҳаттоки бутун бир ҳаёти арзимас вақтичоғлик ёки бепарваолик сабабли бой берилади.

Бу каби ҳодисаларнинг олдини олиш учун барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз даркор. Негаки, офатга қарши туриш, юзага келишининг олдини олиш биргина фуқаронинг эмас, балки бутун бир жамиятнинг кундалик вазифасидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ёнғинга қарши кураш тадбирларида янада фаол бўлишимиз лозим.

Сафдор Р. ИСМАТ ИАААЕВ,
Тошкент тедемаркази ЁХБ кичик инспектори

ЗИЛЗИЛА ВА ЖОНЗОТЛАР

Зилзила табиатдаги энг даҳшатли ҳодисалардан бири ҳисобланади.

У тирик организмларга турлича таъсир этади. Кўпгина ҳайвонлар зилзилаларни энг такомиллашган асбоблардан яхшироқ ва аниқроқ сезади. Улар чунончи, зилзила, тошқин, денгиз пўртаналари каби табиий офатлар яқинлашиб келаётганлигини бехато сезишади. Кўплаб илмий тажрибаларда ҳайвонлар ва баликдар ер пўстининг сезиларли силкинишлари пайдо бўлишидан анча илгари ер бағридан чиқадиган газлар, хусусан, метаннинг ҳидини сезиб, зилзила арафасида безовталаниб сув юзасига сузиб чиқиши таъкидланади.

1948 йил Ашхободдаги тўққиз балли зилзиладан икки соат олдин от заводидаги отлар ҳаддан ташқари безовталаниб, арқонни узиб қочишганлиги, фалокат рўй беришига ўн беш дақиқа қолганда улар дарвозани бузиб, ҳар томонга қочишганлиги, орадан кўп ўтмай ер ларзага келиб, отхона босиб қолганлиги тўғрисида тарихий илмий маълумотлар мавжуд. Ўша зилзила олдидан кўпгина илонлар ва кемирувчилар инларини ташлаб, бутазорларга яшириганлигига гувоҳ бўлишган.

Зилзиладан 1-1,5 соат олдин чумолилар ҳам уясидан дувиллаб чиқиб, ҳар томонга тарқалиб кетганлиги кузатилган. Кучли зилзилалар, жумладан, Тошкент, Ашхобод ва Газли зилзилалари арафасида уй ҳайвонлари, хусусан, итларнинг қаттиқ безовталанганини кўпчилик кузатганлиги маълум.

Қушлар ҳам зилзилани олдиндан сезади, дейишга бир қатор асослар мавжуд. Жумладан, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан олдин қушларнинг, айниқса, кабутарларнинг безовталаниб инларидан учиб чиқаверганлигини гувоҳи бўлишган.

1980 йил 11 декабрда Назарбек зилзиласи рўй беришидан олдин тўтиқушлар ўзларини қафас деворларига уриб, қаттиқ шикастланганлар.

1967 йили Ява оролларида хўрозлар бевақт, бирваракайига ва ҳаяжон билан қичқира бошлаганлар. Орадан кўп ўтмай даҳшатли ер қимирлаши °айд этилган.

1950 йил қишда Камчаткада Безимянний вулқони отилиши натижасида юзага келган зилзилада бирорта ҳам айиқ нобуд бўлмаган. Чунки қишки уйқуда ётган айиқлар фалокат рўй беришидан 12 соат олдин инларини ташлаб, бехавотир жойларга қочиб улгурганлар.

Баъзи ўсимликлар, гуллар ҳам вулқон отилиши, ер тебранишини олдиндан сезар эканлар. Ява оролидаги тоғ ён бағрида ўсувчи наврўзгул шундай гуллар тоифасига киради. У бошқа гуллардан фарқли ўлароқ, фақат зилзила ва вулқон отилишидан олдин гуллайди. Маҳаллий аҳоли бу гулни “Зилзила гули” деб атайди.

Ж.НАЗАРОВ, Хоразм вилояти ФВБ ходими

НОН - УЛУҒ НЕЪМАТ

Халқ тилида «От чумоли» деб номланадиган жонивор бир парчагина нон атрофидан сира нари кетолмади. Нон ушоғининг у ёғидан итарди, бу ёғидан судрамоқчи бўлди, аммо уддалай олмади. Бир зумда атрофига ёрдамчиларини тўплади, олиб кетишди. Энди улар учун иккинчи муаммо пайдо бўлди: нон инга сиғмайди, олиб кириш мушкул. Имкон топилди. Улар болачақаси билан шундай ёпишдики, ўлжа бир зумда саранжом-саришта қилинди.

Заҳмат билан топилган ризқ ҳамиша ширин бўлади. Ривоятларга кўра, ҳатто нон ушоғи тушган гўша оёқ ости бўлмасин, деб қасрлар бунёд этилган. Аждодларимиз нонни ўпиб, Ватанни ҳимоя қилишга, ёвдан қасос олишга онт ичишган. Дастурхонимизга ким келса келсин, нима билан сийланмасин, энг аввало, НОННинг бўлиши — инсон ўзини таний бошлаганидан бизга мерос. Яратилган неъматлар ичида энг улуғи — нон, деймиз. Унинг азизлиги қанча таомлар унут бўлиб, яна нечалари эскирган бир пайтда ноннинг шафқатсиз вақт тегирмонидан «омон қолиб» келаётганида бўлса, ажабмас. Маълумотлар га кўра, дунё аҳолисининг 70 фоизи буғдой нони ва ундан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилади. Чунки буғдой унида инсон организми учун зарур бўлган микроэлементларнинг барчаси мужассам.

ОЛТИ МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХ

Қадимшуносларнинг таъкидлашича, ноннинг кашф этилганига олти минг йилдан ошган. Альберт Эйнштейннинг таъкидлашича, кишилик жамияти тарихидаги энг буюк кашфиёт, бу — нон экан. Цюрих шаҳридаги музейда сақланаётган нон қолдиғи тош асридан бизга мерос. Шунингдек, Миср маликаси Хапшепсут қабридан ҳам нон қолдиғи топилган.

ЮРТИМИЗДА

Халқимиз нонни энг кўп истеъмол қиладиган халқлар қаторига киради. 2003 йилда “Унни бойитиш миллий дастури” ишлаб чиқилган. Жаҳондаги 189 мамлакатдан 48 тасида ун бойитилади. Ўзбекистон ҳам ана шу давлатлар сафида бўлиб, аҳолига етказиб берилаётган нон ва нон маҳсулотларининг асосий қисми темир моддаси билан бойитилганлиги қувонарли. Бунинг афзаллиги шундаки, бойитилган ундан тайёрланган маҳсулотда инсон учун зарур бўлган моддалар 95 фоизгача сақланиб қолади, ўз хусусиятларини йўқотмайди ва таъмида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ

* Ноннинг текис, силлиқ, ёриқларсиз бўлиши унинг бирламчи сифат белгиси ҳисобланади.

* Яхши пиширилган буғдой нони оч сариқ ёки олтин рангда бўлади.

* Пичоқ ёрдамида кесилганда из ёки доғ қолмаслиги нон тайёрланган уннинг сифатли эканидан дарак.

* Ноннинг маълум қисми бармоқ билан босилганда ўз шаклига дарҳол қайтиши унинг истеъмолга яроқлилигидан нишона.

* Нон қадоқданган идишда ишлаб чиқарилган сана қайд этилиши шарт. Махсус идишга ёки елим халтага солинган маҳсулотни дўкон пештахтасида 72 соат, очиқ ҳолда 24 соат, уй шароитида 3 кунгача сақлаш мумкин.

* Нонни полиэтилен идишда сақдаш унинг бузилиш муддатини тезлаштиради. Уни эмаль билан ишлов берилган ёки шиша идишда сақлаган маъқул.

* Музлаткичда сақданган ноннинг сифати эса бошқд маҳсулотлар таъсирида тезда бузилади.

* Қора ва оқ нонни алоҳида сақлаш мақсадга мувофиқ.

* Нон узоқ муддат юмшоқ ва яхши сақланиши учун у турган идишга тозаланган картошка бўлакчалари ёки бир сиқим туз солиб қўйиш лозим.

ТИББИЙ ХУЛОСА

Жаҳон Соғлиқни сақдаш ташкилотининг маълумотига кўра, бутун дунё аҳолисининг 40 фоизи камқонликдан азият чекмоқда. Бу хасталикни келтириб чиқарувчи асосий сабабларидан бири, темир моддасининг танқислигидир. Дунё олимлари темир моддасини инсон организмига етказиб беришнинг энг самарали йўли сифатида уни нон таркибига киритишган. Бундан ташқдри, унинг таркибида инсон учун ниҳоятда зарур ва фойдали бўлган 30-35 фоиз оқсил, 60-70 фоиз углерод, турли витаминлар, минерал тузлар, кальций, фосфор ва бошқа витаминлар бор.

ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТ

Тадқиқотларга кўра, соғлом инсон умри давомида ўртача 15 тонна нон истеъмол қилар экан. Шунингдек, дунё бўйича бир кунда 9 миллион дона “буханка” харид қилинади.

“ҚАЙТА ИШЛАНМАГАН ПЕНИЦИЛЛИН”НИ ЕМАНГ

Одатда истеъмол муддати ўтган ёки яхши муҳитда сақданмаган нон ички ва ташқи таъсир остида моғорлай бошлайди. Агар зарарланган қисм кичик бўлса, уни дарҳол кесиб ташлаб, қолган қисмини истеъмол қилиш мумкин. Халқ орасида “моғорланган нон — кони фойда, тайёр пенициллиннинг ўзгинаси” деган қараш мавжуд. Бироқ олимларнинг хулосасига кўра, “қайта ишланмаган пенициллин”нинг ушбу тури заҳарли ҳисобланади.

Севара ОРИПОВА

ЮРТИМ

Қумсувоқли пахса девор уйларни ҳам,
Аждодларим кийган чопон, тўнларни ҳам,
Бошга тушган ўша машъум кунларни ҳам,
Алишмасман молу дунё берсалар ҳам.

Қишлоғимни тенг кўрмасман Парижларга,
Ҳавас қилмам бормоқликри хорижларга.
Энг гўзал юрт °айда деган чет элликлар,
Меҳмон бўлиб келиб кетсин Форишларга.

Бутун дунё олқишлаган кўшиқларин,
Алишмасман онамнинг бир алласига.
Тенг келолмас академик магистрлар,
Соддагина ўзбегимнинг боласига.

Бу шундай юрт, дунё ҳавас қилар унга,
Чирой очар она юртим кундан-кунга.
Осмонида порлаб турар ой-куёши,
Батан учун жонин берар кекса, ёши.

Тўй, тантана бисёр эрур гўзал юртда,
Эшитмайсиз асло фиғон-ноласини.
О°ибат зўр, мехр сероб фарзандлари,
Бошларига кўяр ота-онасини.

Бу шундай юрт, ўчоғида крйнар оши,
Тўй ҳашамдан чи°мас сира халкринг боши.
Бир-бирига мехр билан бо°ар доим,
Шунданмикин, тўкрон, юздан ошар ёши.

Оллох ўзи кўллар юртнинг подшосини,
Мўл-кўл қилиб бераверар нон-ошини.
Дунё бўйлаб жаранглайди ўзбек номи,
Чунки подшох бирлаштирар халц бошини.

Шукур қилгум, яшаяпман шундай элда,
Ҳадик нима, кўркув нима билмай ўсдим.
Осмонида учмас сира ў°-ёйлари,
Бундай юртда яшаш ўзи бахтдир, дўстим.

ОНА

Онам десам бир ох чи°ар юрагимдан,
Нолаларим дунёларни тутиб кетар.
Мехрибоним мехрига хеч тўёлмадим,
Онамсиз уй борлиғимни ютиб кетар.

Азоб эмас, пичо° тилса юрагимни.
Азоб эмас дўстларимнинг хиёнати.
Онасизлик бир мусибат, битмас азоб,
Балки шудир, бу дунёнинг қиёмати.

Тун, кечалар тушларимга кириб чи°ар,
Пешонамни силаб, дуо қилиб чи°ар.
Соғиндим-эй, мехрибоним, жаннатгинам,
Юраккинам ўртанади, куйиб чи°ар.

Уйга борсам хувиллаган уйлар кутар,
Фарзандларим бўйи етган, тўйлар кутар.
Сизсиз менга татирмиди хурсандчилик,
Сиздай мени муштоқ бўлиб, ким хам кутар?

Дуолари бошларимга соябоним,
Балолардан асрагувчи туморим Сиз.
Сиз-ла гўзал эди дунё, онажоним,
Хуморингиз тутди бирам, хуморимсиз.

Жонларидан жонлар ато этган онам,
Болам, дея борин бериб кетган онам.
Қадрингизни кеч билган бир нотавонман,
Мехр бериб, мехрга зор ўтган онам.

Назирахон ДАДАБАЕВА,
Андижон вилояти ФВБ ходими

Коллектив Узгидромета при МЧС выражает глубокое соболезнование родным и близким в связи кончиной научного сотрудника
ИНОГАМОВОЙ САИДЫ ИКРАМОВНЫ.

УДИИАТ

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

Бош муҳаррир
Дилшод РАЖАБОВ

Навбатчи
А.МУНИРХОНОВ

Газета таҳририят компьютерхонасида сахифаланди

Газета ҳар ҳафтанинг пайшанба куни чиқади.

Топшириш вақти — 15:00
Топширилди — 15:00

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди ва изоҳ берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи на зари дан фарқланиши мумкин.

Газетадан олинган материаллар манбаси кўрсатилиши шарт

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 3 январда 0096-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292
Бичими: А3, Ҳажми: 2,0 б.т

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шахри,
Кичик ҳалқа йўли, 4.
Тел.: 227-01-25, (97) 430-28-48

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT PLUS”
МЧЖ босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шахри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй
Буюртма №
Бичими: А3, Ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6600 нусха